

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИКНИ САКЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Кул ёзма ҳукукида

УДК: 616.089.006.36:618.14.11

КУРБАНОВА ДИЛФУЗА ФАРХАТОВНА

**БАЧАДОН МИОМАСИ, ТУХУМДОН КИСТАСИ БИЛАН КОРИН
ОЛДИНГИ ВЕНТРАЛ ЧУРРАЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ХИРУРГИК
ТАКТИКА.**

5A510101- АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

Магистрлик диссертация

Илмий раҳбар:

т.ф.д.проф Негмаджанов Б.Б.

САМАРКАНД-2015 ЙИЛ

МУНДАРИЖА.

КИРИШ	4-7бет.
I.БОБ. Бачадон миомаси, тухумдон кистаси билан операциядан кейинги вентрал чурралар биргаликда келиши. (адабиёт шархи).....	
I.1. Симультан операция этиология, патогенез, келиб чиқиши, учраши.....	8-12 бет
I.2. Бачадон миомаси этиология, патогенез, клиника, диагностика, даволаш...13-20 бет.	
I.3. Тухумдон кистаси этиология, патогенез, клиника, диагностика, даволаш...21-24 бет.	
I.4. Операциядан кейинги вентрал чурралар этиология, патогенез, клиника, даволаш, диагностика.....	24-26 бет.
2.БОБ. Клиник илмий-услубий текширувлар	27-32 бет
3.БОБ. Тадкикот натижалар муҳокамаси, хулоса.....	33-50 бет.
Амалий тавсия	
Адабиётлар.....	51-68 бет.

КИСКАРТМА

УТТ-ультратовуш текшируви

ЭКГ-электрокардиография

ОКВЧ-операциядан кейинги вентрал чурра

ТК-тухумдон киста

БМ-бачадон миома

ОИТС-ортирилган иммун танкислик синдроми

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ: Бачадон миомаси аёллар жинсий аъзоси тизимида энг куп учровчи яхши сифатли усмадир. Е.М.Вихляев (2004) маълумотларига кура бачадон миомаси 32-33 ёшларда учрайди. 20-30 ёшдан кичик аёлларда бачадон миомаси 0,9-1,5% ҳолатларда учрайди (25,26,27,28,51,53). Охирги вақтларда утказилган масштаби патологоанатомик текширувларда бу касаллик 85% ҳолатларда тарқалганлиги аникланди (3,4,6,21,22,23,24). Бачадон миомасини даволаш ҳақидаги саволлар жуда кийин масала бўлиб ҳозиргача уз ечимини топмаган. Мазкур патология гетероген гуруҳли патологиядир. Касалликнинг аста-секин яққол ифодаланган клиник белгиларсиз кечиши, шу асосда клиник белгилари юзага чикмагунча беморни пассив кузатиш кейинчалик оператив даво утказишга сабаб бўлмоқда. Бу муаммо эса бачадон миомаси патогенезининг охиригача урганилмаганлиги, репродуктив вазифасини тулик адо этганидан кейин бачадонни «фойдасиз» аъзо сифатида қаралганлиги билан тушунтириш мумкин. Бачадон миомасини олиб ташлаш (хирургик даволаш), усма усишини тормозлаш (консерватив даволаш) дан иборат.

Реконструктив пластик жаррохлик амалиётида сезиларли ютуқларга қарамай, операциядан кейинги қорин қурралари билан беморларининг даволаш ечилмаган муаммо охирига қадар шундай бўлиб қолмоқда (1,2,5,8,10,12,13,14,15).

Операциядан кейинги қурралар қуп ҳолларда гинекологик операциядан кейин учрайди (56,57,58,59,69,70,71,72).

Қурранинг қисилиш билан асоратланиши диагностикада махсус диққат талаб қилади (77,78,79,80,81). Беморларни даволашда қатта операциядан кейинги вентрал қурралар герниопластика методида улқан сонли усуллар ҳисобланади. Лекин операциядан кейин, турли маҳаллий туқималар ёрдамида анъанавий усуллар билан амалга оширилади, қурра ҳалқаси томонларининг зуриқиб қисилиши, ҳар доим ҳам яхши натижа билан тугаланган эмас, чунки бу методлар физиологик эмас ва уларнинг

асосий камчилиги маҳаллий тукима таранглилиги шакллантириш бўлиб, тез-тез касаллик такрорланишига олиб келган (10-25%) (81,82,83,104,105,106,107,108,109,110,111,112,113,114,115,116).

Турли хил йуллар билан бир муҳим сонли чурраларни даволаш учун такомиллаштириш таклиф килинган, аммо частотаси туфайли рецидивланишни камайтира олмаслиги ва янги йуллар билан бу вазифа ечими топишга ҳаракат килинган. Янги усуллар билан чурра дарвозасини синтетик сетка билан (капрон, нейлон, лавсан) ёпиш оркали рецидивланиш частотасини пасайтирилди, лекин бутунлай ечилмади, пластикадан кейин бу сеткаларни бузилиши, итарилиши, куп микдорда окмалар ҳосил бўлиши ва охирга вақтларда чуррани қайталаниши кузатилди (33,34,35,36,37,38,39,40,43,44,45,46,47,48,49,56) ва материаллар ривожланиши яхшиланишига асос бўлди. Охирги йилларга келиб янги авлод сеткалари полипропилен, полиэфир, полигланин ва бошқа яратилди. Буюк изланишлар оркали полипропилен сетка топишди, бу материал сурилмайдиган, юкори кучланишга эга ва рецидивланиш камдир (5,8,15,16,17,18,19,20,33,34,35,36,56,57,58,69,70).

Бирок, полипропилен ижобий хусусиятига қарамай, амалга оширилган операциялар кичик клиник материалларга асосланган, уни ишлатишга аник бир курсатма ишлаб чиқилмаган, асоратини олдини олиш профилактикаси курсатилган эмас, полипропилен сетка ишлатишдан сунг юзага келадиган сеткани фиксация қилиш имкониятлари асосиздир ва бу ҳозирги урганишга асос бўлди. Корин бушлиги ва кичик чанок аъзоларининг қушма касалликларини жаррохлик усулида даволаш турли соҳалардаги мутахассисларининг эътиборини узок вақтлардан бери тортиб келмоқда. «ВОЗ» маълумотларига қура кичик чанок ва корин бушлиги қушма касалликларини жаррохлик усулида бирга даволаш жаррохлик бўлимларида даволанган беморларнинг 20-30% ида аникланган. (106,109,110,111,112,113,114,115). Жаррохлик ускуналарининг ривожланиши ва анестезиология-реаниматология хизматининг усиши

сунгги 20-30 йил ичида инсон организмидаги турли аъзоларда катта ва симультан операцияларни бажариш имкониятларини оширди. Симультан операция – бу жаррохлик усулида даволаш лозим булган, турли касалликлар сабабли икки ёки ундан куп алохида операцияларнинг бир вақтда бажарилишидир. (1,5.45,79,80,81.)

МАКСАД: Кичик чанок жинсий аъзо усмалари билан корин олдинги вентрал чурраларни даволаш курсаткичини яхшилаш.

ВАЗИФА.

1. Операциядан кейинги вентрал чурралар билан кичик чанок жинсий аъзо усмаларда аллопластика куллаб унинг самарадорлигини аниклаш.
2. Килинган аллопластикага организмнинг жавоб реакцияси ва асоратини баҳолаш.
3. Беморларда операциядан кейинги даврнинг кечиши.

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК: Кичик чанок жинсий аъзо усмалари билан операциядан кейинги вентрал чурраларни биргаликда олиб бориш, аёлда психологик таъсирнинг камайиши, иктисодий томондан кулайлиги ҳамда вақт жихатдан маъқуллиги.

ИШНИНГ АМАЛИЙ АХАМИЯТИ: Симультан операцияда полипропилен сетка ишлатилганда операциядан кейин организмда йиринглаш, итарилиш кузатилмади, аёлда наркоз вақтнинг камайиши ва аёлда психологик таъсирнинг камайиши.

ТЕКШИРУВЛАР: Вазифаларни бажариш учун клиник лаборатар текширувлар ва операция утказилиб аёлнинг репродуктив системаси тикланди. Изланиш Самарканд шаҳар 3-сон тугруқ комплекси гинекология бўлимида 40 та беморни ретро ва проспектив текшириб урганилди.

1. Урганиш умумий шикояти, анамнез, кандай операция ва қачон утказилганлиги.

2. Физикал текширувлар: УТТ, ЭКГ.

3. Лаборатор таҳлил: умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, қон ивувчанлиги Сухарев усули, қон гуруҳи ва резус фактор, коагулограмма.

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР.

Танланган жаррохлик усулида кичик чанок ва қорин бўшлиғи патологиясининг даволаш самарадорлигининг ошиши.


1 БОБ.

Бачадон миомаси, тухумдон кистаси билан операциядан кейинги вентрал чурраларда учраши (адабиётлар шархи)

I.1 Симультан операцияга кискача таъриф, учраши:

Касалликларга жаррохлик усулида ёндошиш ҳар доим ҳам баъзи агрессия ва организм туқималарига етарлича жарохат етказиш билан ҳамда органни олиб ташлаш билан кузатилади (1,2,3,5,8,10,35,36,39). Шу сабабли кенг тарқалган эски немислар ибораси келиб чиққан: «Grosse Chirurg machen grosse schnitte». (Большой хирург делает большой разрез.).

Л.И.Хнох ва И.Х.Фельтштинер буйича симультан операциялар классификацияси



Симультан операцияларга аталган дастлабки адабиётлар мутахасисларда куплаб кизиқишлар уйғотган. Бу мавзуга асосланган адабиётлар сони тез кунлар ичида ошиб, операцияга булган тушинча, ташхислаш ва даволаш тактикаси, курсатмалар ва карши курсатмалар буйича бахслар куп чоп этилган (40,41,43,44,80,82,83,118).

Операцияга тушинча беришда купгина жаррохлар ва мутахассислар К. Д. Тоскин ва В.В. Жебровскийларнинг атама эталони сифатида берган «симультан операция» атамаси кулланиб келинмокда. Кейинги йиллардаги купгина текширишлар шуни курсатмокдаки корин бушлиги ва кичик чанок аъзолари кушма касалликларини даволаш натижалари коникарсиз булиб, уларнинг кенг таркалганлигини исботланган. Бундан ташкари корин бушлигидаги икки ёки ундан куп касаллик сабабли бажарилаётган жаррохлик даволаш узининг кийинлиги ва охиригача ечилмаган муаммо эканлигини курсатмокда. Шу билан бирга, ташхис куйишнинг яхшиланиши, оператив техниканинг такомиллашуви ва анестезиология-реаниматологиянинг ютуклари симультан операцияларни бажариш имкониятларини янада оширди. (3,5,10,12,18,19,20,33,34,35,36,37,38,39,40).

Мамлакатимизга янги иктисодий алокаларнинг кириб келиши хам хирургик ва гинекологик касалликларнинг фертил ёшдаги аёллар ичида кенг таркалганлигини хисобга олиб даволаш усулларини яхшилаш ва такомиллаштиришни тақозо этади. Бундай касалликлар аҳолининг энг меҳнатга қобилиятли қисмида кенг таркалганлигини эътиборга олиб, вақтинча ва тургун меҳнатга қатъийлик натижаси иктисодга келтираётган зарари анча юқоридир. Земляной А.Г., Малкова С.К. симультан жаррохлик патологияси бор беморларни операциядан олдинги даврда клиник текширишлардан утказишни таклиф этишади. Ташхис қуйишга керак бўладиган барча етарли текширишлар амбулатор шароитларда утказилиши лозимлиги аниқланган. Утказилаётган текширишлар одий, арзон, қулай ва етарли информатив бўлиши керак. (58,69,70,71,72,73,74).

Купгина симультан патологиялар туфайли утказилаётган операциялар касалликнинг кечиккан ва утган даврларида бажарилмокда. Бундай ҳолатларда жаррохлик ёндошишдан сунг операциядан кейинги давр асоратлари кам эмас, айниқса улим даражаси юқори курсаткичларда

булади. Корин бушлиги аъзоларининг кушма касалликларининг учраши баъзи муаллифлар буйича 28-63% ни ташкил килади. (78,79,80,81,82,83,104,105,111,112,113,114,115).

Патологик жараёни тулик бир бутун шаклда тавсифлаш учун аник бир критерийларнинг йуклиги, бугунги кунда симультан жаррохлик патологияларнинг асоратларини келиб чиқишини олдиндан билиш ва уларни профилактика қилиш қийинчилик тугдирмоқда. Шу сабабли бундай ҳолатларда даволаш тактикаси ва жаррохлик ёндошишнинг ҳажми етарлича ишлаб чиқилмаган, баъзи ҳолатлари бахсли музокарали ҳамда аниклик киритишга муҳтождир. Адабиёт маълумотлари симультан жаррохлик патологиялар куп учраб, турли қуринишларга эга эканлиги аникланган. Бу бир жихатдан даволаш ташкилотларининг профил йуналишига, диагностик имкониятларига, илмий изланиш йуналишига боғлиқ. Яна бир сабаблари утказилаётган текширишлар турли муддатларда ва турли методик даражаларда булишидир. (13,14,47,56,58,70,74,77).

Симультан жаррохлик патологияларни даволаш ютуқлари куп жихатдан шу билан тушунтириладики, замонавий тушунчага қура организмдаги бирор бир огрикли жараёни организмнинг бутун бир умумий патологияси булиб ҳисобланишидир. Овқат ҳазм қилиш аъзолари корин бушлиги ва ички генитал аъзолар кичик чанокда жойлашган. Шунинг учун уткир патология симптоматикаси бир-бирига ухшашдир. Операция олди этапларида ташхис қуйиш вақтида 3-5% ҳолатларда практик жихатдан хатоликлар булиши муқаррар, бу эса адекват ҳажмда жаррохдан гинекологик ҳамда гинекологдан оддий жаррохлик операциясини бажаришини талаб этади. Федоров И.В. маълумотида тубо-овариал абсцесс жараёнига аппендикснинг қушилиши ҳолатида акушер-гинеколог қандай йул тутиш кераклиги уктирилган. Маховский В.З. Аксененко В.А. маълумотларига қура 782 та беморлардан 321 та (41%) ҳолда корин бушлиги ва гинекологик патология қушилиб келганлиги

топилган. Муаллифлар жарроохлик ва гинекологик симультан патологияларни даволашда, бундай мураккаб муаммонинг факат маълум бир аспектларига ургу бериб утишади. Асосан булар уткир аппендицит ва аёллар ички жинсий аъзоларининг йирингли яллигланиш жараёнларининг киёсий ташхислашга таълуки булиб хисобланади. Бундан ташкари улар шу нарсага эътиборини каратишадики, шошилишч операцияга мухтож булган беморда жаррохлик ва гинекологик кушма касалликнинг диагностикасида кийинчиликлар учрайди. Бу эса купинча гинекологик профилдаги беморни жаррохлик клиникаларига госпитализация килишга булган сабаблардан биридир. Бундай холларда симультан патологиялар сабабли операция давомида юзага келиши мумкин булган асоратларни эътиборга олиб, операцияни юкори малакали жаррохлар бажаришини талаб этади. Кушилиб келган касалликни рад этиш операцияларнинг коникарсиз натижаларига сабаб булади. Купгина изланувчилар симультан патологияларни бир вақтда даволаш оператив ёндашини бир озгина огирлаштирсада, улим холатларни эса камайишига олиб келган. (2,14,15,16,18.19,20,82,83).

Симультан жаррохлик патологияларни даволашда ва ташхислашдаги хатолар шу билан тушунтириладики, кушма касалликдан бирортаси аниклангандан текшириш усуллари тухтатилиб куйилади. Кушилиб келган патология купинча «тусатдан» операция давомида аникланиб, жаррохлар бригадасининг тайёр эмаслиги ёки беморнинг бундай операцияга тайёрланмаганлиги сабабли даволанмасдан колади. Шунинг учун симультан жаррохлик патологиялари муаммолари чукуррок урганишга мухтож булган муаммодир. Медикаментоз даволашнинг кулланилиши факатгина вактинчалик эффект беради. Асосий патогенетик жараён ва омиллар эса корин бушлигида колади. Хозиргача корин бушлигидаги симультан жарроохлик патологияларни биргаликда даволашнинг маълум курсатмалари ишлаб чикилмаган. Бундан ташкари даволашда эффектив

жаррохлик кулланмалар ҳам ишлаб чикилмаган. Курсатма ва кулланмаларнинг булмаслиги, бутун бир патологик жараёни тулик тушунтирувчи критерийларнинг булмаслиги, олинган маълум бир касалликнинг асоратларини келиб чиқишини олдиндан профилактика қилиш қийинчилик тугдириши муқаррардир. Корин бушлиги ва кичик чанок аъзолари қўшма касалликларида маълум кулланмаларни ишлаб чиқиш абдоминал жаррохликнинг ва оператив гинекологиянинг долзарб муаммоларини ечиш имкониятини беради. Хнок Л.И. ва Фельтшинер И.Х. фикрига қўра симультан операциялар деб, бир-бирига боғлиқ булмаган, корин бушлигидаги икки ёки ундан қўп аъзоларда утқазиладиган бир вақтдаги жаррохликка айтилади. Корин бушлиги аъзоларининг симультан касалликларини жаррохлик усулида даволаш ҳозиргача асосий даволаш усули бўлиб ҳисобланмоқда. (79,80,77,78,79,80,81,82,83,109,110). Жаррохликнинг такомиллашуви ва жаррохликка лапароскопик даволаш усуллариининг қириб қилиши симультан операцияларни кенг даволаш имкониятини яратди. Шу билан бирга бундай усуллариининг қириб қилиши карбоксиперитоний каби ва операция давомида беморнинг тана вазиятини ўзгартириш билан муаммоларни ечиб бери. 106,107,108,109,110,111,112,113).

Қам жароҳатли оператив усулларнинг ишлаб чиқилиши ва анестезиологиянинг ютуқлари корин бушлиги аъзоларининг симультан патологияларида турли жаррохлик даволаш имкониятларини кенгайтириб беришди. Аммо, жаррохлик тактикаси ва операция ҳажми ҳалигача тулик ечимини топмаган ва баъзи баҳсларга, аниқлик қиритишга муҳтождир. Симультан патологияларда диагностик ва тактик жиҳатдан аниқ бир кулланмалар, курсатмалар ишлаб чиқилмаган. Бундай муаммоларни ҳал этиш факат теорияга эмас, балки амалиётга ҳам қатта аҳамият қасб этади. Бундай муаммоларнинг ечилиши амалий тиббиётда симультан жаррохлик патологиялари бўлган беморларга қўпроқ рационал даволаш

имкониятларини яратиб беради. А. К. Шаршенов ва муаллифларининг изланишларида ҳам жаррохлик ва гинекологик касалликларда бажарилаётган симультан операцияларнинг ортганлиги айтиб утилган. Сунгги йилларда аҳолида кушма касалликларнинг ортиб бораётганлигини эътиборга олиб, симультан операциялар долзарб муаммо эканлиги аниқ бўлиб бормокда. Симультан операцияларнинг бошқа операциялардан устунлиги уларнинг бир вақтнинг узида икки ва ундан куп касалликлардан беморларнинг холис булишидир. Беморларни бир вақтнинг узида қайта операция булишдан, операциялардан сунг асоратларни олдини олишда, иккинчи операцияга беморларнинг рухий таъсирланишини ва қайта шифохоналарга ётишини олдини олади. Симультан операцияларга иктисодий жихатдан ҳам эътибор ошиб бормокда. (10,12,13,14,33,34,35,36,48,77,78,79,83,106).

1989 йилда симультан операцияларни академик М. И. Перельман «жаррохликда бу янги матнли йуналишдир» деб айтган.

I.2. БАЧАДОН МИОМАСИ, ЭТИОЛОГИЯ, ПАТОГЕНЕЗ, КЛИНИКА, ДИАГНОСТИКА, ДАВОЛАШ УМУМИЙ КУРИНИШИ:

Бачадон миомаси аёллар жинсий аъзолари тизимининг энг куп учрайдиган усмаларидан биридир .Бачадон миоамасининг учраб туриши турли муаллифларнинг маълумотларига кура 24 дан 50% гача учрайди. Бачадон миомаси этиологияси ва патогенезига замонавий карашлар цитогенетика, молекуляр биология, эндокринология, иммунология, хужайралар уртасида таъсирланиш сферасини урганишга асосланади. Бачадон миомасининг ривожланишида жинсий гормонлар, эстроген ва прогестерон рецепторларининг ролининг муҳимлиги ҳам аниқланган. Миометрийга эстрогенлар, усиш омили ва иммунореактив инсулиннинг синергик таъсири натижасида бачадон миомасининг усиши ва ривожланиши айтиб утилган. Усиш омили маҳаллий таъсир курсатади ва хужайралараро муносабатларни таъминлайди, натижада миоматоз

тугуннинг усишига гормонал таъсир курсатади.
(3,4,22,23,24,26,29,30,31,32,42,51).

Бачадон миомаси патогенезида 3 та боскич фаркланади:

1. Миометрийда периваскуляр хужайравий муфта куринишида актив усиш зонасининг хосил булиши, силлик мушак хужайраларининг кучли пролиферацияси ва хужайравий метаболизмнинг активланиши.

2. Усманинг дифференцировка белгиларисиз усиши

3. Усманинг усиши, дифференцировкаси, етилиши ва аста секин фиброзланиши билан. (53,55,62,64,65,66,67,75,76,84).

Куп холатларда (80%) бачадонда куп сонли миоматоз тугунлар учрайди. Бундай тугунлар турлича катталиқда ва шаклда булади. 95% холатларда миоматоз тугун бачадоннинг танасида, 5% холатларда тугунлар бачадоннинг буйнида ривожланади. Сантиметрлар ва хомиладорлик муддатларига кура миоматоз тугуннинг улчамлари буйича (турли адабиётлар турли рақамларни курсатади). Бачадон миомасининг клиник куриниши турли хил булиб, бу миоматоз тугуннинг жойлашган жойига, улчамига, тугундаги дегенератив жараёнларга, касалликнинг давомлилигига боглиқ булади. Асосий симптомларидан бири бу менструал кон кетишнинг купайиши ва вақтнинг ортишидир (меноррагия). Бачадон миомасида менструал кон кетиш вақтининг ортиши ва куп кон кетиши миометрийнинг усма натижасида менструал кон кетиш вақтида шиллик пардасининг десквамацияси натижасида кузатилади. (92,93,94,95,96,101).

Бачадон миомасининг классификацияси:

Жойлашиш жойига кура:

- Интрамурал миома-турли адабиётлардаги маълумотларга кура 95% холатлар кузатилади. Миоматоз тугуннинг мушаклар орасида жойлашиши менструал циклнинг бузилишига олиб келади. Беморларни кичик чанок соҳасидаги огрик ва босим сезгисининг пайдо булиши безовта килади.

- Субсероз миома-тугуннинг улчами ва атроф тукимага босимиға кура чанок сохасидаги дискомфортга сабаб булади.

- Субмукоз(шиллик ости) миома куп холатларда огир ва узок муддатли кон кетишларга сабаб булади.

- Педундукуляр миома.

- Интралигаментар.

- Паразитлик килиб усувчи миома

Куп холатларда (80%) бачадонда куп сонли миоматоз тугунлар учрайди. Бундай тугунлар турлича катталиқда ва шаклда булади. 95% холатларда миоматоз тугун бачадоннинг танасида, 5% холатларда тугунлар бачадоннинг буйнида ривожланади.(64,76).

Сантиметрлар ва хомиладорлик муддатларига кура миоматоз тугуннинг улчамлари буйича (турли адабиётлар турли ракамларни курсатади):

- Кичик улчамдаги миома. Бу гурухга улчами 15 мм гача булган миоматоз тугунлар киритилади. Бундай тугунлар хеч кандай клиник белгиларсиз кечади.

- Куп сонли кичик бачадон миомаси. Бу гурухга куп сонли улчами 2 см дан ошмайдиган миоматоз тугунлар киради. Бундай улчамдаги миомада беморларни огрик, мено-, метроррагия, бепуштлик безовта килади.

- Урта улчамдаги бачадон лейомиомаси. Бу гурухга ягона, улчами 4 смдан ошмайдиган миоматоз тугунлар киради.

- Куп сонли урта улчамдаги доминант тугунли бачадон миомаси. Бу гурухга биз бачадонда куп сонли тугунли, доминант миоматоз тугуннинг улчами 6 смдан ошмайдиган бачадон миомасини киритдик.

- Катта улчамли бачадон миомаси. Катта улчамли бачадон миомасига биз улчами 6 см дан ошмаган миоматоз тугунни

киритдик. Катта миома 10-15 хафталик хомиладорликдан катта эмас.

- Бачадоннинг мураккаб миомаси. Бу категорияга куп сонли катта улчамдаги ва кушма локализациядаги усмаларни киритдик. Усманинг тез усиши хос (1 йилда 4-5 хафтадан ортик). Ультратовуш текшируви маълумотлари ва клиник белгиларига асосланган миоматоз тугуннинг жойлашган жойи, сони ва тугуннинг улчами буйича классификацияси:

- Тип I-майда куп сонли интрамурал тугунлар ёки субсероз тугуннинг булиши (<3см). Субмукоз тугун йук.

- Тип II-бир ёки куп сонли интрамурал ёки субсероз тугунлар (3-6 см). Субмукоз тугун йук.

- Тип III-Бир ёки куп сонли интрамурал ёки субсероз тугунларнинг булиши (>6 см). Субмукоз тугун йук.

- Тип IV-бир ёки бир неча интрамурал ёки субсероз тугунлар. Субмукоз тугунга шубха.

Европалик эндоскопист гинекологлар ассоциациясининг классификацияси.

Субмукоз миомани бачадон бушлигини деформацияга олиб келиш даражасига кура 3 типи фаркланади:

0 тип-шиллик ости тугуни тулик бачадон бушлигида, миометрийга умуман утмаган.

I тип-миоматоз тугуннинг 50% кам кисми мушаклар орасида жойлашган, куп кисми бачадон бушлигида жойлашган.

II тип-миоматоз тугуннинг 50% дан ортик кисми миометрийга утган, унинг кам кисми бачадон бушлигида жойлашган.

Субсероз тугунлар

0 тип-миоматоз тугун оёкчасида, тулик корин бушлигида жойлашган.

I тип-тугуннинг 50% дан кам кисми мушаклар орасида жойлашган, унинг куп кисми корин бушлигида жойлашган.

II тип-миоматоз тугуннинг 50% дан куп кисми мушаклар орасида жойлашган, унинг кам кисми корин бушлигида жойлашган.

Бачадон миомасининг гистологик классификацияси:

- Оддий;
- Хужайравий;
- Митотик актив;
- Ноодатий;(причудливая)
- Атипик;
- Липолейомиома;
- Эпителиоидли;
- Геморрагик;
- Томирли;
- Миксоид;
- Миома гематопозитик элементлар билан.(51,93,96,97).

Бачадон миомасининг асосий белгилари:

Бачадон миомасининг клиник куруниши турли хил булиб, бу миоматоз тугуннинг жойлашган жойига, улчамига, тугундаги дегенератив жараёнларга, касалликнинг давомлилигига боглик булади.

Бачадон миомасининг асосий симптомларидан бири бу менструал кон кетишнинг купайиши ва вактининг ортишидир (меноррагия). Бачадон миомасида менструал кон кетиш вактининг ортиши ва куп кон кетиши миометрийнинг усма натижасида кискариш кобилиятининг пасайиши, бундан ташкари бачадоннинг ички юзасининг майдонининг ортиши натижасида менструал кон кетиш вактида шиллик пардасининг десквамацияси натижасида кузатилади.

Миоматоз тугунни бачадон деворида жойлашган жойи хам мухим ахамиятга эга. Субсероз миоматоз тугун булганда кон кетиш куп

холларда уртача менструация кузатилади, 42,6% холатларда кон куп келади ва 1,1% холатларда жуда кам микдорда келади. Миоматоз тугун мушаклар орасида жойлашганда 44,5% холатларда менструация пайтида кон кетиш аниқланган.

Постменопауза даврида кон кузатиладиган дегенератив узгаришлар ёш, миоматоз тугуни катта булган беморларда ҳам кузатилиши мумкин. Тугуннинг озикланишининг уткир бузилиши натижасида касалликнинг яккол белгилари ривожланади (тана хароратининг кутарилиши, кучли оғрик, корин парда таъсирланиш белгилари, ЭЧТ нинг ортиши, лейкоцитлар сонининг ортиши). Бачадон миомаси бундай асоратли кечганда ва консерватив терапия самарасизбулганда хирургик даво муолажалари утказилади.(28,29,30,31,32,42.62,90,92).

Циклик кон кетиш фонида тезда бачадондан ациклик кон кетиш ҳам кушилади. Кучли ациклик кон кетиши асосан миоматоз тугун центрипетал усганда ёки субмукоз миоматоз тугунлар натижасида кузатилади. Бундан ташкари кушилиб келган тухумдон фаолиятининг бузилиши метроррагияга сабаб булади. Миоматоз тугун шиллик кават остида жойлашганда ацикликкон кетиш юзада жойлашган кенг ковузлокли томирларнинг енгил жароҳатланиши натижасида кузатилади, бундай миоматоз тугунларда бириктирувчи тукима кон ривожланмаган булади. Бундан ташкари томирга бой усмани капсуласининг юпқаланиши натижасида усмани чикиб колиши кон кетишга олиб келади.(53,55).

Огриклар купгина беморларда турлича характерда булади. Огриклар корин пасти ва бел соҳасида кузатилади. Доимий, симилловчи огриклар субсероз ва интрамурал миоматоз тугунлар марказга караб усганда кузатилади, бу тугунни коплаб турган корин парданинг тортилиш натижасида кузатилади. Узок вақт кечувчи огриклар усманинг тез усиши билан боглик. Тугунда кон айланишининг уткир бузилиши натижасида огриклар уткир характерда булади ва уткир корин белгилари кузатилади.

Огрикларнинг характери турлича булиб, катта улчамдаги ва аста-секин усувчи бачадон миомасида огриклар тортувчи, симилловчи ва барча менструал цикл давомидаги доимий огриклар билан кечади.(93,94,97).

Менструация пайтидаги дардсимон огриклар купрок шиллик ости миоматоз тугунларда кузатилади.

Миоматоз тугун бачадоннинг олдинги юзасида булса огрик сийдик пуфагига, корин олдинги деворининг пастки кисмига таркалади; агар миоматоз тугун бачадоннинг орка юзасида ривожланганда огрик тугри ичакка таркалади. Миоматоз тугун интралигаментар жойлашганда кучли огрик бачадоннинг ички бугзи сохасидаги нерв чигалининг босилиши натижасида кузатилади.(99,100).

Бачадон миомасини ташхислаш.

Бачадон миомасини ташхислашда беморнинг шикоятлари ва анамнезига алохида ахамият бериш керак. Физикал текширишлардан умумий курик, гинекологик курик, кольпоскопия, стандарт клиник лаборатор текширишлар утказилади.

Кушимча текшириш усулларида: калконсимон без дисфункцияси скрининги (конда ТТГ,Т4, Т3 микдори, сийдикда йод текширилади) утказилади. Бундан ташкари эндемик зоналарда эндокринолог билан хамкорликда текшириш усуллари утказилади.(84,87)

Онкомаркерлар, усиш факторлари ва пролиферацияни аникланади. Гистероскопия утказилади. Эндометрий рецепторлари экспрессиясини аниклаш максатида бачадон бушлигини кириш операцияси утказилади.

Гистероскопик текшириш усули субмукоз миоматоз тугунини ташхислашда олтин стандарт усулидир. Бу текшириш усули оркали тугуннинг типи, жойлашган жойи, улчамлари ва эндоскопик назорат остида кин оркали миомэктомия утказишга кулайлик тугдиради.(89,99,103).

Хозирги вақтда гинекологияда бачадон миомасини аникловчи энг кучли диагностик восита бу магнит резонанс текшириш усулидир. МРТ

бачадон миомасини турли куринишларини аниклайди, оптимал даво муолажаларини танлаш ва утказишга ёрдам беради (хирургик, операциясиз, таргет терапия). МРТ текшириш усулида бачадон миомаси бачадоннинг бошка патологияларидан яккол ажралиб туради(бачадон раки, бачадон саркомаси, аденомиознинг диффуз ва тугунли шакллари ва бошкалар). (26,28).

Миоматоз тугунни аниклашда УТТ ҳам мухим урин эгаллайди.() Хозирги вақтларда кенг тадбик этилаётган кин оркали ультрасонография текшириш усули беморда семизлик, метеоризм, чандикли жараёнлар булганда ҳам трансабдоминал датчиклар оркали текшириш кийин булганда касалликни аниклашни осонлаштиради. Бу текшириш усули айниқса субмукоз жойлашган бачадон миомасининг аник жойлашган жойини, бачадон бурчакларини, бачадоннинг сероз каватигача бачадоннинг калинлигини, бундан ташқари эндо метрийдаги кушилиб келган патологияларни аниклашда кулайлик тугдиради. Катта миоматоз тугунларни аниклашда бу усул унчалик кийинчилик тугдирмайди. Бу усулнинг ҳам эффективлиги 95%. Аммо ультрасонография кичик улчамдаги миоматоз тугунларни (диаметри 2 см гача) аниклашда турли муаллифларнинг фикрича 62,5-88% ни ташкил этиши айтиб утилган.(86,95).

Уз-уздан кичик миоматоз тугунлар билинмасдан қолиб кетиши мумкин. Ноинвазив визуал ташхислашнинг кенг тарқалишига қарамасдан БМ ни ташхислашда диагностик лапароскопия хозирги вақтгача уз долзарблигини йукотмаган. Бу текшириш усули асосан тухумдоннинг солид усмаларини, корин парда орти усмаларини ва субсероз миоматоз тугунларни ташхислашда кулланилади.

Бачадон миомасини даволашнинг асосий принциплари.

Тухумдонга таъсир этиб биринчи навбатда эстрадиол ҳосил бўлишини камайтириш бачадон миомасини даволашнинг энг самарали патогенетик асосланган даволаш усулидир.

Гормонга боғлиқ массани бачадондан ажратиш (миома тугуни, эндометрий гиперплазияси) бачадонда маҳаллий гипергормонемияни пасайиши ва гипертрофияланган миометрийни инволюциясига олиб келади.(11,21,23,25).

Репродуктив ёшдаги аёлда бачадон миомасини даволашнинг замонавий принциплари қуйидагича шакллантирилди:

- Усмани эрта ташхислаш;
- Комплекс консерватив терапияни эрта куллаш, антистресс, адаптоген, яллиғланишга қарши, иммунитетни мустаҳкамловчи, антиоксидант терапияни куллаш;
- Гормонал бузилишларни ва менструал цикл бузилишларини эрта коррекция қилиш;
- Қушилиб келган экстрагенитал патология ва эндокрин бузилишларини коррекция қилиш;
- Гормонал терапияни уз вақтида тавсия қилиш;
- Даволашга индивидуал ёндошиш;
- Аъзони сақлаб қолишга, репродуктив функцияни тиклаш ва хомиладорликни асоратлардан асраш учун кам инвазив усулларни эрта ва уз вақтида куллаш.(20)

Бачадон миомасини консерватив даволашга курсатмалар:

- Репродуктив ёшдаги миомаси булган аёллар;
- Қасалликни кам симптомли кечиши;
- Улчами 12 ҳафталик хомиладорликдан катта булмаган бачадон миомаси;
- Миоматоз тугунни субсероз (кенг асосли) ёки интерстициал жойлашиши;
- Экстрагенитал қасалликлари булган, юкори анестезиологик ва хирургик хавфи булган аёллар.(25,26)

Охирги йилларда клиник жихатдан билинмайдиган миоматоз тугунларн булган аёлларни олиб бориш учун янгича карашлар пайдо булди. Бачадон миомасини даволашда хар доим аникланган бачадон миомаси улчами кандай улчамда булмасин кутиб турмасдан чоратадбирлани куллаш ёддан чикмаслиги керак.

Клиник амалиётни енгиллаштириш учун бачадон миомасининг янги классификацияси ишлаб чикилди (клиник жихатдан билинмайдиган, кичик, уртача катталиктаги, катта улчамдаги, гигант ва бошкалар), мазкур классификация ёрдамида бу касалликни даволаш усулини енгил танлаб оламиз.

Консерватив даволашга операцияга тайёргарлик этапи сифатида ва операциядан кейинги даврда реабилитацияси сифатида куп холатларда мурожаат этилади.

Бачадон миомасида ГнРГ нинг кулланилишидан асосий максад БМ улчамларини ва белгиларининг огирлигини камайтиришдан иборат. Бунда ГнРГ ни кулланилганда тухумдонларнинг функциялари вақтинча ва даврий йуколади (предменопауза холати), натижада усмалар усиши тормозланади ва усманинг улчамлари кичраяди. Препарат менструал циклнинг биринчи 5 кунлигида юборилади. Диферелин хар 4 хафтада 3,75 мг дозада юборилиши керак. Даволаш курсининг давомлилиги 3 ойдан 6 ойгача. Аммо бу даволашнинг узига хос ножуя таъсирлари мавжуд. Булар куйидагилардан иборат:

- Операция вақтида майда миоматоз тугунларни «Яширади»;
- Препаратнинг таъсири вақтинчалик характерга эга (уни берилмай куйилганда усманинг усиши ва рецидивланишига олиб келади;
- Индуцирланган менопауза белгилари кузатилади (исиб кетиш, куп терлаш, таъсирчанлик, артериал кон босимининг

кутарилиши, дизурия, киннинг куруклиги, либидонинг пасайиши, хотира, диккатнинг пасайиши, бош огриги).

Бачадон миомасини даволашда медикаментоз даволашга карамасдан хозирги кунда бу касалликни даволашда хирургик даволаш усули асосий даволаш усулларида бири булиб қолмоқда. Бунди консерватив ва хирургик даволашни бир-бирига қарши қўйиб бўлмайди. Бу касалликни патогенетик асосланган даволаш концепциясида қўбинирилган таъсир қўйилади яъни консерватив ва хирургик усул қўлланилади.(30,32,42).

1.3 ТУХУМДОН КИСТАСИ, ЭТИОЛОГИЯ, ПАТОГЕНЕЗ, КЛИНИКА, ДИАГНОСТИКА, ДАВОЛАШ:

Тухумдонларнинг энг қўп тарқалган касалликлари жумласига энг аввало тухумдон усмалари ва усмасимон хосилалари қиради. Тухумдон кистомаси – бу хужайра элементлари пролиферацияси ва кистома камераларида транссудат ёки экссудат тўпланиши ҳисобига фол усадиган усма булиб, суюқлик камера деворини қоплаб турган цилиндрик эпителийда ишлаб чиқарилади. Тухумдон усмаларининг учраш даражаси сўнги 10 йилликда барча жинсий аъзолар усмалари орасида 6% дан 19-25% гача ошиб қолмоқда.(7,11,25,42).

Тухумдон усмаларининг қўпчилиги яхши сифатли усмалар булиб, барча тухумдон усмалари орасида 75—87%ни ташкил этади. Усмасимон ретенцион хосилалар 70,9%ни ташкил этади. Анамнезида тез-тез юқумли касалликларга қўлинганлиги Менструал цикл бузилишлари: постменопаузал даврдаги бачадон қўн қетишлари. Жинсий ҳаётнинг йўқлиги ёки унинг регуляр эмаслиги. Контрацепция мақсадида БИВдан қўйдаланиш.(65,75,84).

Классификация 1. Яхши сифатли эпителиал усмалар: а) Сероз цистаденома б) Муциноз цистаденома в) Эндометриоид цистаденома г) Ёруг хужайрали усма д) Бреннер усмаси е) Аралаш усмалар

2. Яхши сифатли жинсий тортма стромаси усмалари: а) Гранулез-хужайрали усма б) Тека-хужайрали усма (текома) в) Фиброма г) Сертоли ва Лейдиг хужайраларидан ривожланадиган усмалар

3. Яхши сифатли герминоген усмалар: а) Дермоид киста 4. Ретенцион хосилалар: а) Фолликуляр киста б) Сарик тана кистаси в) Эндометриоид киста г) Коплагич эпителийси булмаган кисталар д) Параовариал киста е) Бачадон ортикларининг яллигланишли хосилалари ж) Серозоцеле (кистоз бушликлар хосил булиши билан чандикли жараённинг ривожланиши) (89,95,97,103).

5. Тухумдонлардаги гиперпластик жараёнлар Сарик тана кистаси - ёрилган фолликула урнида суюклик тупланиши натижасида хосил булади, баъзан суюклик - кон булиши мумкин.

Тека- лютеин кисталар. Купинча елбугозда хосил булади ва унинг эвакуациясидан сунг уз-уздан йуколиб кетади.

Дермоид кисталар— бу кисталар эмбрионал даврда хосил булади. Баъзи муаллифлар уларни «муъжизавий кисталар» деб атайдилар, чунки улар инсоннинг хар кандай тукумасидан: соч, суяк, ёг тукумаларидан хосил булиши мумкин.

Муциноз кисталар. Тухумдоннинг эпителиал тузилмаларидан хосил булиб, катта улчамларни эгаллаши ва узида куп микдорда суюклик тутиши мумкин.

Тухумдонларнинг эндометриоид кисталари- бу яхши сифатли гормонга боглик усма булиб, ирсий мойиллик натижасида гормонал

ва иммун дисбаланс туфайли келиб чиқади ва тузилиши, фаолияти жихатдан эндометрий тукумасига ухшаш тукуманинг бачадон шиллик каватидан ташкарида локализацияланиши туфайли ҳосил бўлади.

Параовариал кисталар - бачадон кенг бойлами вараклари орасида ҳосил бўлади. Параовариал кисталар мезонефрал найча, оофорон, шунингдек целомик эпителийдан ҳосил бўлиши мумкин.(7,11,25,75).

ТУХУМДОН КИСТОМАЛАРИ:

1.Псевдомуциноз:

А. Гигант улчамларга етиши мумкин

Б. Усма юзаси нотекис

В. Консистенцияси - каттик-эластик

Г. Усма девори ялтирок оч кулранг тусга эга

Д. Купинча куп камерали бўлиб, киз ва неvara бушликларига эга.

Е. Куринча усма оёкчага эга

Ё. Таркибида псевдомуцин саклайди.

2. Сероз: Эпителийнинг тузилиши ва биологик хусусиятларига кура турлари:

А. Оддий сероз (силлик деворли)

Б. Папилляр кистомалар

КЛИНИКА: Корин пастида ва бел соҳасидаги огриклар, огирлик хисси, тез-тез дефекацияга чакириклар, дизурик бузилишлар, корин хажмининг катталашуви.(84,85).

АСОРАТИ: Усма оёкчасидан буралиб қолиши, усманинг бошқа аъзолар билан битишуви ва инфицирланиши, усманинг бошқа аъзоларга ёрилиши, усма деворининг ёрилиши, усма малигнизацияси. Ташхислаш: бемор шикоятлари, анамнези, объектив курик, гинекологик курик, эхография, лапароскопия.(66,95).

I.4.ВЕНТРАЛ ЧУРРАЛАР

Реконструктив пластик жаррохлик амалиётида сезиларли ютуқларга қарамай, операциядан кейинги корин вентрал чурралари билан беморларининг даволаш ечилмаган муаммо охирига қадар шундай бўлиб қолмоқда. Операциядан кейинги чурралар қўп ҳолларда гинекологик операциядан кейин учрайди. Чурранинг қисилиш билан асоратланиши диагностикада махсус диққат талаб қилади. Беморларни даволашда қатта операциядан кейинги вентрал чурралар герниопластика методида улкан сонли усуллар ҳисобланади. Лекин операциядан кейин турли маҳаллий туқималар ёрдамида анъанавий усуллар билан амалга оширилади, чурра ҳалқасининг томонларининг зуриқиб қисилиши, ҳар доим ҳам яхши натижа билан таъминлаш эмас, чунки бу методлар физиологик эмас ва уларнинг асосий қамчилиги маҳаллий туқима таранглилиги шакллантириш бўлиб, тез-тез қасаллик такрорланишига олиб қелади (10-25%) (106,107,108,109,114,116).

Турли хил йуллар билан бир муҳим сонли чурраларни даволаш учун такомиллаштириш таклиф қилинган, муаллифлар рецидивланиш частотасини қамайтира олмаслиги ва янги йуллар билан бу вазифа ечилган. Янги усуллар билан чурра дарвозасини синтетик сетка билан (капрон, нейлон, лавсан) ёпиш орқали рецидивланиш частотасини пасайтирилди, лекин бутунлай ечилмади, пластикадан кейин бу сеткаларни бузилиши, итарилиши, қўп микдорда оқмалар ҳосил бўлиши ва охирига

вактларда чуррани кайталаниши кузатилди(45,82), ва материаллар ривожланиши яхшиланишига асос булди. Охирги йилларга келиб янги авлод сеткалари полопропилен, полиэфир, полиглантин ва бошқ. яратилди. Полипропилен материал сурилмайдиган, юкори кучланишга эга ва рецидивланиш кам. (8,17,56,57,58,83,104). Бирок, полипропилен ижобий хусусиятига карамай, амалга оширилган операциялар хакида, бу хабарлар неча ва кичик клиник материалларга асосланган, уни ишлатишга аниқ бир курсатма ишлаб чиқилмаган, асоратини олдини олиш профилактикаси курсатилган эмас, полипропилен сетка ишлатишдан сунг юзага келадиган, полипропилен сеткани фиксация қилиш имкониятлари асосиздир ва бу хозирги урганишга асос булди. Корин бушлиги ва кичик чанок аъзоларининг қушма касалликларини жаррохлик усулида даволаш турли соҳалардаги мутахассисларининг эътиборини узок вақтлардан бери тортиб келмоқда. «ВОЗ» маълумотларига қура кичик чанок ва корин бушлиги қушма касалликларини жаррохлик усулида бирга даволаш жаррохлик бўлимларида даволанган беморларнинг 20-30% да аниқланган. (12,18,20,79,80,106.).

Жаррохлик ускуналарининг ривожланиши ва анестезиология-реаниматология хизматининг усиши сунгги 20-30 йил ичида инсон организмидаги турли аъзоларда катта ва симультан операцияларни бажариш имкониятларини оширди. Симультан операция – бу жаррохлик усулида даволаш лозим булган, турли касалликлар сабабли икки ёки ундан куп алоҳида операцияларнинг бир вақтда бажарилишидир. (69.83,115.116.117,118.).

II. БОБ.

2.1 ТАДКИКОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ.

Илмий изланишимиз Самарканд шаҳар 3-сон тугрук комплекси гинекология булимида олиб борилди ва урганишларимиз ретро ва проспектив булиб, 2006-2015 йилларга тугри келди. Умумий беморлар сони 40 та шулардан тухумдон кистаси, бачадон миомаси ва операциядан кейинги вентрал чурралар учраш курсаткичлари урганиб чиқилди.


2.1. ЖАДВАЛ: Беморларнинг ёши ва семизлик даражасига кура.

Беморларнинг			
Ёшига:	33-40 ёш 7 та (17,5 %)	41-59 ёш 25 та (62,5%)	60 ва ундан юқори 8 та (20 %)
Семизлик даражаси	1-даража 3 та (7,5 %)	2-даража 9 та (22,5%)	3-даражали 28 та (70%)

Ёш курсаткичи буйича 33 ёшдан 40 ёшгача булган беморлар сони 9 та (22,5%) 59 ёшда 25 та (62,5%) ни, колган аёллар 60 ёшдан катта булиб 11 та (27,5%) ни ташкил килди, ёши катта аёлларда умумий огриксизлантириш ва экстрагенитал касалликлар асоратлари билан учрагани учун операцияга кириш анча кийинчилик тугдирди. Энг ёш бемор 33 ёшни, энг катта ёш 60 ёшдан каттани ташкил килди. Шунни айтиш лозимки ёш курсаткичи ошиши билан операциялар сони хам ортади ва операция жараёни кийинлашади, чунки кушимча экстрагенитал касалликлар сони ортади. Изланиш давомида беморларнинг ёши, анамнез маълумоти, менархе, тугрукнинг кечиши, тугрукдаги асоратлар, яшаш шароити, утказган касалликлари урганилди. Шулардан 7 тасида тухумдон кистаси ва операциядан кейинги чурра ва 33 та аёлда бачадон миомаси ва


операциядан кейинги чурра учради. Симультан операцияда беморларди гемодинамикаси, биохимия, гемостаз яна операцияни ва операциядан кейинги даврни ургандик. Беморларнинг маиший шароитига кура уй бекалари, хужалик ишчилар, нафакадигиларни ташкил килади. Беморларнинг купчилик кисми ишга лаёкатли ёшга тугри келади. Беморларнинг маиший шароитига кура ишчилар 25та (62,5%), нафакадагилар 15 та (37,5%) ташкил килди.

2.2 ЖАДВАЛ. Аёлларнинг иш фаолиятига кура таксимланиши.




Беморларда хайз функцияси 13-15ёш оралигида булиб шулардан 28 тасида (70%) огрикли ва хайз циклининг бузилиши кузатилган, колган 12 тасида (30%) нормал кечган.

2.3 ЖАДВАЛ. Беморлар анамнезига кура утказган операция режаси.



Аёллар анамнези сураб суриштирилганда 27та аёлда режали 13 та аёлда операция шошилинич утказилган.

2.4 ЖАДВАЛ: Аёлларнинг ахоли яшашига караб булиниши.



Аёлларнинг 67% кишлок ахолисига 33% ни шаҳар ахолисини ташкил килди.

2.5.ЖАДВАЛ. Операциядан кейинги чурралар вақт буйича ҳосил булиши
куйидаги жадвалда

Бачадон миомаси ва тухумдон кистаси билан мурожаат қилган аёллар анамнезида утқазилган операциялар	Умум ий	Чурраларни операциядан кейин ҳосил булиши				
		Зой ичида	3-6 ой ичида	1-2 йил ичида	3-4йил ичида	5 йил ва юкор и
Холецистэктомия	26	-	6	5	9	6
Ошқозон резекцияси	5	1	2	-	2	-
Гинекологик операция	4	1	3	-	-	-
Аппендэктомия	3	-	1	1	1	-
Жарохат туфайли лапаротомия	2	-	-	2	-	-

Холецистэктомия утқазган 26 та аёлдан 18 та аёлда туман шароитида операция қилинган.

Чурралар симптоми:

- қучанганда чурра чиқиши -8 та, оғрик бўлиши -21 та, чурранинг қисилиб қолиши -7 та беморда қузатилди.

Чурра қанча қатта бўлиши бу туқиманинг ўзгариши фақат чурра дарвозасида эмас, балким қорин пардада ва қорин деворида ҳам эди.

Чурра ҳалтаси таркибида асосан қатта қарви, ингичка ва йугон ичаклар

аникланди. Беморларни текширишда бизлар кушилиб келган экстарогенитал касалликлар, шу билан бирга операциядан кейинги давр ва операцияга кириш беморларда умумий ахволига караб баҳоладик. Кичик чанок жинсий аъзо усмалари билан биргаликда операциядани кейинги вентрал чурралар ҳам учради. БМ ва ОКВЧ 33 та (82,5%) аёлда, ТК ва ОКВЧ 7та (17,5%) аёлда учраб улар биргаликда бартараф килинди.

2.6 ЖАДВАЛ. Корин бушлиги ва кичик чанок усмаларининг учраш курсаткичи.

Учраш курсаткичи	%
Бачадон миомаси билан операциядан кейинги вентрал чурра	33та(82,5%)
Тухумдон кистаси билан операциядан кейинги вентрал чурра	7та (17,5%)

2.7 ЖАДВАЛ. Бачадон миомасининг хажмига кура.

Бачадон миомасининг хажми	%
8-9 хафталик	27та(81,8%)
10-12 хафталик	6та (18,8%)

БМ сининг катталиги буйича учраши 8-9 хафталик 27 та аёлда учраган булса 10-12хафталик БМ си 6 та аёлда учради. БМ си ва ТК билан аёл

текширилганда анамнезида операция утказилгани аникланди. БМ ва КТ билан мурожат килган аёлларда чурра аникланди ва биргаликда бартараф килинди.


2.8.ЖАДВАЛ Кушилиб келган экстрагенитал касалликлар куйидаги схемада келтирилган.

Касаллик	Умумий	
	Сони	%
Хафакон касалиги	15	37,5
Семизлик III –IV даража	18	45
Оёк веналарнинг варикоз кенгайиши	2	4,7
Кандли диабет касаллиги	1	2,5

Бу маълумотлар натижасида шуни аникладики, хафакон касаллиги 15 та аёлда, семизлик 18 та аёлда, ва колган беморларди кандли диабет ва оёк веналар кенгайиши булиб хисобланди.

Ишимиздан келиб чикиб БМ, ТК ва ОКВЧ лар учраганлиги учун чуррани хам биргаликда бартараф килинди ва чурранинг катталигига караб аллопластика усули танланди. Текширишимиз натижасида бизлар хам колган олимлар каби чуррани аниклашда (В.Н.Янов, 1978; М.Ф.Заривчацкий ва В.Ф.Яговкин, 2002; В.Д.Федоров ва бошқалар, 2000; А.С.Ермолов ва бошка., 2005) беморларни гурух буйича урта, катта ва гигант чурраларга (5 таб.) булдик. В.Н. Янов (1978) корин олдинги девори вентрал чурраларнинг хажмига кура куйидаги классификацияни ишлаб чикган. Корин олдинги вентрал чурраларнинг уртача размери 3 дан 8 смгача, катта размердаги чурра 9 дан 12 смга ва гигант хажмдаги чурра 13 смдан юкорини ташкил килди.

2.1. ДИАГРАММА. В.Н.Янов (1978) корин олдинги вентрал чурраларинг хажмига кура классификация.



2.9. ЖАДВАЛ. Чурралар улчами.

Улчамлари	Умумий	
	сони	%
Уртача улчамдаги	7	17,5
Катта улчамдаги	9	22,5
Гигант улчамдаги	24	60

